

## ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ ВА МАЗКУР СОЛИҚНИ БЮДЖЕТГА УНДИРИШ ТАРТИБИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Уразматов Жонибек Мусурманович

Гулистон давлат университети

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

[akash7509@rambler.ru](mailto:akash7509@rambler.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7847996>

**Аннотация.** Иқтисодиётнинг эркинлашуви жараёни, фискал сиёсат ва солиқ тўловчилар солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг кескинлашуви, солиқ тизими модернизациясининг самарали воситаларини давлат томонидан қўллаш кўп жиҳатдан қўшилган қийматни тақсимлаш самарали солиқ механизми ташкил этилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислоҳининг алоҳида бир йўналиши сифатида қўшилган қийматни тақсимлаш самарали солиқ механизмини ташкил этиш йўналишларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада қўшилган қийматни солиққа тортиш масалалари муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** миллий иқтисодиёт, бюджет, давлат бюджети, маҳаллий бюджет, бюджет тизими, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, солиқ, солиқ тизими, қўшилган қиймат солиғи, фискал сиёсат, макроиқтисодий барқарорлик.

Маълумки, солиқ сиёсати - давлатнинг иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг самарали воситаларидан бири сифатида солиққа тортиш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий - назорат тизимини такомиллаштиришга асосланган чора-тадбирлари йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Солиқ сиёсати назарий жиҳатдан давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг билвосита усули ҳисобланади ва давлат ҳамда солиқ тўловчиларнинг ўзаро молиявий манфаатдорлиги мувозанати орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, жадал иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш мақсадларига йўналтирилади. Айнан мана шунинг учун ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати, аввало, солиқ юкини қисқартириш, солиқ маъмурчилиги самарали воситаларини кенг қўллаш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган ислоҳотларга қаратилмоқда.

Айниқса, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг 3-устувор йўналишида “солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш вазифаларини яқин истиқболда амалга ошириш” белгилаб олинди.

Қўшилган қиймат ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хомашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир. Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимооти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар

ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади.

Демак, қўшилган қиймат солиғи - бу иқтисодий қиймат категорияси бўлиб, маълум бир иқтисодий муносабатни ўзида шакллантиради. Бундай иқтисодий муносабат қиймат ҳаракати билан ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва (ёки) товарларни (хизматларни) реализация қилувчилар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари – ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида ҳамда айланмадан олинadиган солиқни тўловчи шахслар қўшилган қиймат солиғини тўловчилари ҳисобланмайди.

Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда солиқ органларида қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобида туриши белгилаб берилди.

Асосий воситаларни, номоддий активларни ва қурилиши тугаллан-маган объектларни реализация қилишда, солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, бироқ уларнинг қолдиқ (баланс) қийматидан кам бўлмаган тарзда, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда аниқланади.

Мол-мулкни молиявий ижарага, шу жумладан лизингга бериш чоғида солиқ солинадиган база чиқиб кетаётган актив қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда аниқланади. Бунда чиқиб кетаётган активнинг қиймати сумма сифатида белгиланади, унга кўра молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган актив сифатида тан олинади. Товар хомашё заҳираси инвентаризациядан ўтказилади. Инвентаризациядан ўтказиш жараёнида қўшилган қиймат солиғи билан сотиб олинган товар-хомашё заҳирасига аниқлик киритилади.

Тайёр маҳсулот қолдиқлари инвентаризациядан ўтказилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг калькуляциясидан келиб чиққан ҳолда тайёр маҳсулотнинг таркибидаги қўшилган қиймат солиғи билан харид қилинган материал харажатлар, иш ва хизматлар салмоғи аниқланади.

Мамлакатимизда рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорликни ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва рағбатлантириш ҳамда ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган солиққа тортиш ва божхона-тариф тизимини тартибга солиш самарали тизимини шакллантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Республикаимизда амал қилаётган солиқлар ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб учдан бир қисмини тақсимлаб, бюджетга жалб этади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурий харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади. Сўнги йилларда тўғри солиқларнинг салмоғи ялпи ички маҳсулотда бироз камайиб, эгри солиқлар салмоғи ошган. Бу ҳолда тўғри тенденция мавжуддир, чунки эгри солиқлар тўғридан-тўғри корхонанинг инвестицион фаолиятини сусайишига олиб келмайди.

Билвосита солиққа тортиш тизимини, шу жумладан ҚҚСни ҳисоблаш ва уни ундириш механизмни такомиллаштириш масалалари бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Ҳозирги шароитда корхоналар ва аҳоли даромадларининг жуда паст даражада бўлиши натижасида, давлат кўпроқ билвосита солиқларни оширишга мажбур бўлмоқда. Лекин давлат ўз харажатларини қоплаш учун юқори даражага кўтариши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Унинг маълум даражада иқтисодий асосланган, корхоналар молиявий ҳолатини ва аҳоли турмуши моддий даражасини нормал ҳолатда таъминлайдиган чегараси бўлиши лозим.

Жаҳон амалиёти қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг деярли бир хил тизимини назарда тутди. Тўловчи ҳаридордан сотилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун солиқ суммаси ва этказиб берувчи томонидан моддий ресурслар, ёқилғи, ишлар учун тўланган ва улар қиймати ишлаб чиқариш ва айланма харажатларга киритилган солиқ суммаси орасидаги фарқни тўлайди. Тўланиши керак бўлган солиқ манфий бўлиб чиқса, яъни бу солиқ кўпайиб кетса, қолдиқ бўлажак тўловлар ҳисобига киритилади ёки ривожланган мамлакатларда қабул қилинганидек, бюджетдан бошқа суммалар ҳисобига қопланади.

Қўшилган қиймат солиғига асосланган солиқ тўлаш тизими солиқларни қисмларга ажратиб олиш имконини беради, чунки фирманинг барча сотувларидан солиқ олинади, бироқ оралиқдаги ҳаридлар учун тўланган солиқлар кейинчалик умумий суммадан қопланади.

Иқтисодчи И.Завалишина ўзининг “Солиқлар: назария ва амалиёт” номли қўлланмасида ҚҚСнинг бир қатор афзалликлари борасида тўхталиб ўтган. Улар қуйидагилардан иборат:

- ҚҚС маҳсулотнинг сотув нархига қўшилмай унинг устига қўйилиб, харидор томонидан тўлаб берилиди, бу эса ўз вақтида ишлаб чиқаришнинг харажатлари ва рентабиллигига таъсир этмайди;

- солиққа тотилган объекти маҳсулотнинг бутун ишлаб чиқариш жараёнида ягона солиқ ставкасида аниқланиши маҳсулот сотишнинг охириги босқичида солиқ суммасининг йиғилиб қолишидан сақлайди ва солиққа тортиш жараёнида қайта-қайта ҳисоблашнинг олдини олади;

- солиқ ундириш тизимининг соддалиги солиқ органлари учун ҳамда солиқ тўловчилар учун ҳам қулайлик яратади. ҚҚС ни ҳисоблаш жараёни ўз-ўзини текшириш жараёни деса ҳам бўлади, чунки кейинги сотиб олувчи олдинги таъминотчини ҳисобварақ – фактураси тўланган солиқ суммасини белгилашда тўғри қўйилишини текшириб боради;

- қўшилган қиймат солиғи тармоқ ва корхонанинг иқтисодий фаолият туридан, капитал жамғармасидан, ишлаб чиқариш туридан, катта-кичиклигидан қатъий назар бир хилда солиққа тортиш даражаси қўлланилади;

- кўпгина давлатларда корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини четга экспорт қилувчи фирма-экспортерларга, уларни қўллаб – қувватлаш мақсадида экспорт қилинган маҳсулот сотув нархига кирган қўшилган қиймат солиғини бир қисмини давлат томонидан қайтариб берилади. ҚҚСнинг ҳисоблаш системаси эса экспорт қилинаётган маҳсулотни фирма томонидан ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Маҳсулотлар импорт қилинаётганда ҚҚС протекция сиёсатини юритиш учун қўлланилади. Демак, ҚҚСни ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солиб туриш учун фойдаланиш мумкин;

-қўшилган қиймат солиғининг ҳужжатларда алоҳида кўрсатилиб ёзилишлиги уни тўлашдан қочиш ҳолатларни қийинлаштиради;

-ҚҚС бозор иқтисодиётини солиқлар ёрдамида тартибга солишда даромад (фойда) ставкасини пасайтирилиши натижасида бюджетнинг даромад қисмидаги йўқотишларни қоплаш учун тактик восита сифатида ишлатилади;

-ҚҚС ҳар турдаги давлатларнинг ягона солиқ сиёсатини юритиши ёрдамида интегралсия функциясини ҳам бажаради.

Қўшилган қиймат солиғининг асосий афзаллиги шундаки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида тўланган солиқ миқдорини ҳисоблаш мумкин. Бу тартиб экспорт учун солиқ чегирмаларини ҳисоблаш ва экспорт субсидиялари берилишида бузилишларнинг олдини олиш имконини беради.

### References:

1. Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2005. – 544 б.
2. А.Жўраев, А.Аманов “Солиқлар ва солиққа тортиш”. Дарслик Т.:ТМИ, 2020.139-б.
3. Перов А., Толкушкин А. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: “Юрайт”, 2012. С. 99
4. Dudine P., and J. Jalles. How Buoyant Is the Tax System? New Evidence from a Large Heterogeneous Panel. IMF Working Paper 17/4, International Monetary Fund. 2017.
5. Keen M. The Anatomy of the VAT. National Tax Journal, Vol. 66, 2013 – pp. 423-446.
6. Ebrill L., M. Keen, J. Bodin, and V. Summers, The Modern VAT. Washington, D.C.: International Monetary Fund. ISBN 1-58906-026-1. 2001
7. Abdulazizovich A. A., Rashidovich O. M. RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNING MOLIVAVIY BOZORGA TA’SIRI //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 71-75.
8. OECD. Consumption Tax Trends 2008: VAT/GST and Excise Rates, Trends and Administration Issues, 2008 - <https://doi.org/10.1787/ctt-2008-en>.
9. Абдувоҳидов А. А. и др. ПАНДЕМИЯ ВА ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОДЕЛИ //Журнал Инновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 6.
10. Борибаев Э., Абдувоҳидов А. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини ошириш йўллари //Экономика И Образование. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 34-39.
11. Нурмухаммидова М. Х. и др. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ //ТА’ЛИМ ВА RIVOJLANISH TANHILI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 401-417.